Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 1 (5592).
2 ЯНВАРЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг ўртоқ Константин Устинович Черненко бошчилигидаги Сиёсий бюроси теварагига жипслашган партия билан совет халқи ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг кенг миқёсли, мураккаб вазифаларини ҳал этмоқдалар. Янги йилда биз ишлаб чиқаришни янада интенсивлашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ресурсларимизни тежаб-тергаб ва оқилона сарфлашга бутун куч-ғайратни қаратишимиз лозим. Партия белгилаган социал программа изчиллик билан амалга оширилаверади.

Бу вазифаларнинг бажарилиши ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир совет кишисига, унинг ташаббуси ва масъулиятига, жамиятни бошқаришда актив қатнашишига боғлиқ. Янги йилнинг ҳар бир меҳнат куни ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш йўлидаги, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги умумхалқ социалистик мусобақасида зарбдор меҳнат куни бўлиб қоладиган тарзда ишлаш — барча совет кишиларининг шон-шараф иши ва ватанпарварлик бурчидир.

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Совет халқига Янги йил табрикномаси»дан).

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкентликлар 1984 йилни яхши кайфият билан кузатиб қолдилар. Ўтган йил план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этган минглаб меҳнат коллективлари ҳаётида ажойиб зафарлар йили бўлиб қолди. Республика пойтахтининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқаришда меҳнат интизомини мустаҳкамлашда маълум муваффақиятларга эришдилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақада фаол иштирок этдилар.

Тошкент меҳнаткашлари 1985 йилга қадам қўйишар экан, бутун ғайрат-шижоатларини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда янги зафарларга эришиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, партия съезди қарорларини амалга оширишга, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилишга сафарбар этишга азму-қарор қилмоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVII съездини, Ўзбекистон Компартияси XXI съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, Ўзбекистон ССР Олий Советига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларни муносиб кутиб олиш учун, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни зарбдорларча якунлаш учун ғайратга-ғайрат қўшиш, мавжуд резервлардан омилкорона фойдаланиш зарур.

Шак-шубҳасиз янги йилнинг барча зафарлари газетамиз саҳифаларида ўз ифодасини топади. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ва бошқа шонли саналар муносабати билан янгидан-янги рубрикалар пайдо бўлади. Редакция коллективининг фаолиятида журналистлар учун янги мақолаларга мавзу бағишловчи Сизларнинг мактубларингиз асосий йўналиш бўлиб қолаверади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БИРИНЧИ КУНДАН ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙЛИК

Мана, 1985 йил ҳам бошланди. Биз она замин узра одим ташлаётган янги йилни катта қувонч билан кутиб олдик. Ҳар биримиз унинг янада файзли ва қувончларга бой бўлишини биламиз. КПСС XXVI съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида белгиланган режаларни амалга оширишда янги ютуқларга эришиш ниятидамиз.

Бу йил ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йили. Биз унинг муваффақиятли якунланганлиги ҳақида КПСС XXVII съездига рапорт берамиз. Бу йил Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабаси нишонланадиган шонли юбилей йили ҳамдир. Биз стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини ҳам нишонлаймиз.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Совет халқига янги йил қутловлари ҳар биримизнинг қалбимизда қайноқ туйғулар уйғотди. Унда мамлакатимиз халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида катта қадамлар билан бораётганлиги таъкидланган. Бу совет кишиларининг фидокорона меҳнати, ривожланган социализмнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш бўйича партиямиз изчиллик билан амалга ошираётган доно сиёсат натижасидир.

Ўтган йили Тошкент меҳнаткашлари ҳам жуда катта ютуқларга эришди. Тошкент саноати 27 декабрда асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича давлат плани муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Пойтахтнинг Ленин, Ҳамза, Чилонзор, Акмал Икромов ва бошқа районлари саноат корхоналари йилни зарбдор меҳнат билан якунладилар. Ўтган йили асбобсозлик заводида, тўқимачилик ва абразив комбинатларида, трактор ва экскаватор заводларида, «Малика» бирлашмаси ва бошқа корхоналарда қўшимча қувватлар ишга туширилди.

Шаҳар партия ташкилотлари партиямизнинг бош йўлидан бориб, республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришда муҳим қадам қўйдилар.

Бундай ютуқларимиз беҳисоб ва биз улар билан фахрланамиз. Шу билан бирга биз КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1984) йил Пленумлари талаблари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисидаги нутқи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида хўжаликнинг барча звеноларида ишни аниқ маромда юксак самарали ташкил этиш бўйича ҳали кўпгина ишлар қилиниши лозимлигини жуда яхши тушунамиз.

Биз Константин Устинович Черненконинг тежаб қолинган материаллар, хом ашё ва ёнилғи ҳисобига йилда икки кун ишлаб бериш бўйича таклифини ҳар биримиз учун масъулиятли вазифа деб биламиз. Янги йилда бу вазифани амалга ошириш Тошкент меҳнаткашларининг ҳам ватанпарварлик бурчидир. Биз бу борада шахсий тежамкорлик ҳисобларини очиб ишлаймиз.

Бугун Тошкент корхоналарида биринчи тракторлар, пахта териш машиналари, самолётлар, компрессорлар, янги йилнинг дастлабки маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, шунингдек республикамиз ҳаётидаги катта сиёсий воқеа— Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловлар, шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Сайловолди кампаниясидаги бутун фаолиятимиз оммани ташаббускорлигини ошириш, меҳнат рақобатини кенг қулоч ёйдириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашга қаратилмоғи лозим.

Биринчи меҳнат куни иш суръатлари авжига чиқмоқда. Унинг ҳар бир корхона ва ташкилотда, қурилишда юксак самарали бўлиши бизнинг ўз ишимизни нечоғлиқ оқилона ташкил этишимизга боғлиқ. Ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида сўзлаган нутқида таъкидланганидек, «Экономикадаги ижобий силжишлар мустаҳкамланибгина қолмай, шу билан бирга кўпайтирилиши ҳам лозим». Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун биз дастлабки кундан бошлаб зарбдор иш суръатига эришишимиз лозим.

1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тошкентдаги 2502-автоколоннада илғор ҳайдовчилар кўплаб топилади. Уларнинг тажрибалари, амалга ошираётган ишлари бошқа автомобилчилар учун ҳам ўрнак олишга лойиқдир.

Ана шундай илғорлар тўғрисида гап кетганда ҳайдовчилардан Рашид Минзатов ва Сирен Зарипович Салманов биринчилар қатори тилга олинади.

Р. Минзатов ўзига ажратиб берилган «ЗИЛ— 130» маркали автомашинасидан янада унумли фойдаланиш мақсадида унга иккита прицеп улаб ишлай бошлади. Ҳозирча у Тошкент юк-товар станциясидан белгиланган жойларга темир йўл контейнерларини ташиш билан шуғулланмоқда. У ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, республика юбилейига беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган эди. Моҳир ҳайдовчи октябрь ойининг ўрталаридаёқ сўзининг устидан чиқди. У пландаги 79 минг тонна ўрнига 79 минг 100 тонна юк ташишга эришди. 1 миллион 134,6 минг тонна-километр иш бажарилди. Ҳозир у 1986 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Коллективнинг яна бир илғори Сирен Зарипович Салманов ҳам «ЗИЛ — 130» маркали автомашинаси билан юқорида тилга олинган станциядан турли халқ хўжалик юкларини ташиш билан шуғулланади. У шу йилнинг сентябрь ойидаёқ ўн биринчи беш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекди. Кўзда тутилган 15 минг 500 тонна ўрнига 16 минг тонна юк ташилди. Белгиланган 237 минг тонна километр ўрнига 241 минг тонна-километрдан зиёд иш бажарилди. Ишнинг кўзини билган ҳайдовчи 1986 йилнинг январь ойи ҳисобини очди.



МАШИНАСОЗЛАР ҲУЗУРИДА

«Ташсельмаш» заводининг коллективи 1984 йил план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этди. Мамлакатимиз пахтакорларига пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик маҳсулотлар жўнатилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига Янги йил табригидан илҳомланган машинасозлар 1985 йилнинг дастлабки куниданоқ зарбдор суръат билан меҳнат қила бошладилар.

СУРАТЛАРДА: слесарь-йиғувчи С. Мориц, мастер С. Федяев ва слесарь-йиғувчи Р. Сулаймонов; корхонанинг тайёр маҳсулотлари; слесарь-йиғувчи С. Бойтуровнинг корхонага ишга келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ёш ишчига дарҳол тажрибали устозни бириктириб қўйишди. Ёш ишчи унинг раҳбарлигида қисқа вақт ичида слесарлик ишининг барча ички-чиқиқларини ўзлаштириб олишга муваффақ бўлди, 4-разрядли слесарь унвонига сазовор бўлди.

Т. Каримов фотолари.

ОЙБЕК

ЯНГИ ЙИЛ

Бу кун турмушимиз яп-роқларидан
Биттаси жимгина узилиб кетди.
Бир йиллик курашнинг гўзал хаёли
Киприклар устида сузилиб кетди.

Замон тўлқинларин буюк қучоғи
Яширди йўлида қанча изларни.
Сўларми, эй шоир, бу ҳаёт боғи,
Доимо яшилдир... боқ юлдузларни.

Олтин нурларини сочиб қарайди,
Ерда пўлат турмуш яна қайнайди.
Кампир тарих яна ёш бир қиз каби
Гулдор каштасини тикишга ёйди.

Соат ўн иккини урди. Янги йил!
Буюк амал ила қаршиладик биз.
Кўҳна дунёларни бузиб ёндиргил!
Чин ҳаёт боғининг эшигиндамиз.

Бу кун турмушимиз яп-роқларидан
Биттаси жимгина узилиб кетди.
Бир йиллик курашнинг гўзал хаёли
Киприклар устида сузилиб кетди.

1928, январь, Ленинград.

ЯХШИ СУРЪАТ БИЛАН

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинатининг 4-қурилиш ва 3-монтаж бошқармалари коллективлари 1985 йилнинг биринчи иш кунини зарбдор суръатда бошладилар. Улар куни кеча тўққиз қаватли 128 квартирали уйнинг 32 квартирасини ҳамшаҳарларимизга тўҳфа этган эдилар. Муҳташам бино Сапёрлар кўчасига чирой бахш этди. Объектда жами 1 миллион 600 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди.

Янги уйнинг қолган квартиралари 1985 йилнинг биринчи кварталида фойдаланишга топширилади.

Эндликда қурувчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини юксак меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

Б. ХОЛДОРОВ.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

Пойтахтимизнинг Киров районидаги барча сайлов участкаларида сайлов олди ишлари қизғин давом этяпти. Чунончи, 70-ўрта мактаб биносига жойлашган 65-сайлов участкаси агитпункти оммавий-сиёсий ишлар марказига айланди.

Катта агитаторлар М. Тожиева, М. Ҳўжаевалар комсомолёшлардан ташкил топган агитаторларга ҳар куни тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар бериб, тарғибот ишларида ёрдам бермоқдалар. Ёш агитатор ўқитувчилардан Собир Ҳожимуродов, Наталья Векслер, Саида Тўлаганова, Гулчеҳра Исаева, Фарҳод Қаландаров кабилар сайловчилар билан дастлабки учрашувларни мазмунли ўтказишди. Улар сайловчиларга партия ва ҳукуматимизнинг тинчликни сақлаш, халқ моддий фаровонлигини яхшилаш борасидаги режаларини гапириб беришди.

С. СУЛТОНОВ.

КОММУНИСТ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ ҲАҚИДА

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

Ҳозир коммунист қандай ишлаётганлиги ва ўзини қандай тутаётганлигигина эмас, шу билан бирга у камчиликларни тугатиш учун нақадар қатъият билан актив курашаётганлиги, умуман ишларнинг аҳволини яхшилашга қандай интилаётганлиги партиявийликнинг энг муҳим мезонидир.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ РУҲИДА

Степан Давидович Коротков Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун бўлган курашлар ва қийинчиликларни босиб ўтган коммунистлар авлодига мансуб. Етим ўсган С. Коротков 1924 йили комсомол safига кирди. 1929 йили уни Ўрта Осиёга, босмачиларга қарши кураш учун юборишди. Бу ерда, Қорақум даштларида у 1932 йили партия safига қабул қилинди. Кўп ўтмай собиқ танкчи Степан Давидовични Бағдод машина-трактор станциясига директор қилиб тайинлашди. 1938 йили эса у Фарғона район партия комитети биринчи секретарлигига сайланди. У 1941 йили фронтга ана шу вазифани бажарган пайтда йўл олган эди. Москва, Сталинград мудофаасида, Курск ёйи жангларида иштирок этди. У Курск, Белгород, Одессани озод этишда қатнашди. Унинг танки Тирасполь шаҳрига биринчи бўлиб кириб борди.

Урушдан кейинги йилларда Степан Давидович Драгобижск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. 1949 йили эса Ўзбекистонга, Фарғона водийсига қайтди. Бу ерда у узоқ вақт мобайнида Қувасой район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади, кейин Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришда иштирок этди, йўллар қуришда қатнашди.

У Ленин, Октябрь революцияси, тўртта жанговар Қизил Байроқ орденларининг, шунингдек биринчи даражали Ватан уруши, Қизил юлдуз ва «Ҳурмат белгиси» орденларининг соҳибидир. Унинг кўксини Болгария, Венгрия, Монголиянинг ҳукумат мукофотлари, ўнлаб медаллар безаб турибди.

Ҳозир Степан Давидович Коротков Тошкент шаҳар Куйбишев район партия ветеранлари Советининг раиси, уруш ветеранлари Совети Тошкент секцияси президиумининг аъзоси, Куйбишев район партия комитети қошидаги партия комиссиясининг аъзосидир.

Бугун Степан Давидович — редакциямиз меҳмони. Сўз С. Д. Коротковга:

— Имкониятдан фойдаланиб, мен коммунистларнинг кекса авлоди номидан барча тошкентликларни 1985 йил билан чин қалбдан табриклайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, бунёдкорона меҳнатларида катта муваффақиятлар тилайман.

Ишдаги бундай муваффақиятлар бизга доимо зарур. 1985 йил биз учун яна ҳам масъулиятлидир. Биз амалга оширилган ишларга якун чиқариш билан бирга КПСС XXVII съездига, республика партия ташкилотининг навбатдаги анжуманига ҳамда Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига юксак иш натижалари билан боришимиз лозим. Партия ташкил топган дастлабки кундан бошлаб ўз safларининг тоза бўлиши ҳақида жон куйдиради. Ва бизнинг партиямиз съездига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларида аниқ ва равшан айтиб ўтилган салбий ҳоллардан тўла кутилган ҳолда боришимиз шарт.

Биз коммунистлар амалга ошираётган ишлар ҳаммамизнинг кўз-ўнгидадир. Бизнинг ҳеч биримиз зиммамиздаги чуқур масъулиятни унутмаслигимиз лозим. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин таъкидлаб ўтганидек, коммунистлар юксак интизомда, қонуларга риоя этишда бошқаларга намуна бўлишга даъват этилган. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин судлар коммунистларни бошқаларга қараганда қатиқроқ жазолашини талаб этган эди.

(Давоми 2-бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ РУҲИДА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Менга, партия комиссияси аъзоси сифатида баъзида у ёки бу камчиликка йўл қўйган коммунистларни муҳокама этишда, ленинча иш услубини унутиб, инсонийлик нуқтаи-назаридан уни мавҳумларча ҳимоя қиладиган одамлар билан ҳам рўпара бўлишга тўғри келган.

Шу нарса сир эмаски, илгари ходимларни асоссиз мақташ, унга ортиқча ишонч билдириб юбориш кадрлар тарбиясига салбий таъсир этган 30-йиллардаги шундай хотира ҳамон эсимда. Ўша пайтларда бизнинг танқиддан қўрққан ҳолларимизни асло эслай олмайман. Ютуқлар ҳақида ҳам, камчиликлар тўғрисида ҳам бир-биримизга рўй-рост гапирардик. Бизда Салимжон ака Охунбобоев ҳосилот советининг раиси бўлиб ишларди. Масалан, бир обрўли раҳбарга очиқдан-очиқ, дўстона шундай деди: «Ўғлим сен бурнингни кўтарма, бу коммунистга ярашмайди». У танқидни тўғри қабул қилди.

Айрим ходимларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракати ҳоллари кўпинча шундай жойларда юз беряптики, коммунистлар, бошланғич партия ташкилотлари нуқсонларга муросасизлик қилишмайди, танқид ва ўз-ўзини танқид эса сўниб қолган. Танқид эса келажакнинг меваси, деб бежиз айтишмайди-да, ахир!

Масалан, Тошкент экскаватор заводида кўп нуқсонлар очиб ташланди. Завод директори А. Маҳмудов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, бироқ бу фактларнинг ҳаммаси коллективга сир эмас эди-ку. Улар бу нуқсонларни билишар, бу ҳақда ўзаро гапиришар ҳам эди. Бироқ партия ташкилотида КПСС Устави берган ҳуқуқлардан фойдаланишда қатъият ва мардлик етишмади.

Экскаватор заводи коммунистларининг, биринчи навбатда эса партком секретари М. Новиковнинг лоқайдлигини шундан ҳам яққол кўриш мумкинки, бу коллективдаги қўшиб ёзишларни уларнинг ўзлари эмас, балки текширишга келган комиссия очиб ташлади. Партия йиғилишида бу ҳато ва нуқсонлар ҳақида уларнинг ўзлари бундан аввал ҳам рўй-рост гаплашиб олишлари, уни тўғдирган сабабларни аниқлашлари ва зарур тадбирларни белгилашлари мумкин эди-ку!

Мен яна шуни такрор айтаманки, биз, коммунистлар ҳамманинг кўз ўнгида иш олиб бораётганимиз учун ҳам барча ишлар билан қизиқишимиз лозим. Шунинг учун, юмшоқроқ қилиб айтганда, айрим коммунистлар ва бир қатор бошланғич партия ташкилотларининг ўзини четга олиб туриши бизга мутлақо ярашмайдиган ҳолдир. Коммунист нуқсонлар билан «тинч-тотув яшаши» мумкин эмас. Бунга унинг маънавий ҳаққи йўқ.

Мен яқинда «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ётоқхонасида бўлдим. Хоналарни кўздан кечирдим. Тўғрисини айтсам, ҳафа бўлдим. Негаки, ҳунар-техника билим юртини битирган йигитлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Мен бу ҳақда бирлашма коммунистларига айтиб бердим.

Шу муносабат билан 1943 йилдаги бир воқеа эсимга тушиб кетди. Биз ўшанда янги танкларни олиш учун Урал шаҳарларидан бирига бордик. Уларни ким қураётгани билан қизиқдик. Бизга 8-синф ўқувчиларининг бир группасини кўрсатишди. Ўқитувчи уларни заводга олиб келган экан. Ҳар қайсисига бир бурдадан нон бериб дастгоҳга биркитиб қўйишибди. Бир ўсмиргга ҳарбий гимнастерка кийган киши касб ўргатаётган эди. Бу киши мени ҳайратга солди. Негаки, у қўлсиз бўлса-да болаларни дастгоҳда ишлашга ўргатаётган экан.

Ўшанда кўп нарсаларни ўйлаб кетдим. Бу киши фақат партиявий топшириқни бажараётгани йўқ эди, албатта, у ўзини она-Ватан хизматига сўнгги томчи қони қолгунча бағишлагани, душман билан то ғалаба қозонгунча жанг қилишга аҳд-паймон қилганлиги кўриниб турар эди.

Ёшларнинг меҳнатга юзаки ёндашиш ҳолларини кўрсам, ўша Уралдаги завод эсимга тушади, гимнастерка енгларини қайириб олган киши эслаб кетаман.

Бугунги суҳбатимизда, менинг назаримда, муҳим бўлган яна бир масалани қўймоқчиман.

Республикамизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин маънавий иқлим мувaффақиятли соғломлашмоқда. Бу Ленин васиятлари руҳидаги ишлардир. Бироқ баъзи бир кимсалар республика партия ташкилотининг бу қатъий қадамларини бошқачароқ ифодалашга уринмоқдалар...

Бу ерда Владимир Ильич Ленин сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. У майда буржуазиянинг камчиликлар ҳақида кўз ёш тўкиб, довдираб, ғийбат билан гапиришини танқид қилиб шундай деган эди: «Ҳар бир номаъқулчилик ва ёвузлик рўй берганида бўшанг майда буржуа интеллигенти зорланади, кўз ёши тўкади, довдираб қолади, ўзини йўқотиб қўяди, ҳар қандай ғийбатни такрорлайверади, «система» тўғрисида пойма-пой гаплар гапиришга уринади.

Пролетар (ўзининг илгариги қасби жиҳатидан эмас, балки ўз ҳақиқий синфий роли жиҳатидан пролетар) бўлган киши, ёвузликни кўрар экан, унга қарши фаол курашга киришади: яхши ходим Иваннинг номзодини очиқдан-очиқ ва расмий равишда қувватлайди, ёмон ходим Пётрнинг ўрнига бошқа кишини тайинлашни таклиф қилади, фирибгар Сидорга қарши, Гитнинг протекционистлик хуружига қарши, Миронниг жинояткорона фирибгарликларига қарши иш қўзғайди — бу ишни кескин суратда, қаттиқ туриб, охиригача олиб боради...».

Меҳнаткашларнинг кенг оммаси шунга яққол ишонч ҳосил қилдики, партия ташкилотлари, коммунистлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўйган вазифаларни мувaффақиятли ҳал этмоқдалар!

Биз партия ва давлат интизомини бузиш, КПСС Устави талабларидан чекиниш каби ҳолларга жиддий ва қатъият билан курашаверамиз. Бу ўсишимиз ва тараққий этишимизга ҳалақит бераётган барча нарсаларга қарши қатъий ғов қўяётган соғлом партия организмининг бераётган муносиб жавобидир, албатта.

Коммунистнинг маънавий софлиги шу даражада тиниқ бўлиши керакки, ҳатто айрим майда ҳатти-ҳаракатларга ҳам мутлақо йўл қўймаслик вазиятини яратишимиз керак. Бундай нарсаларга доимо жиддий ёндошиш, кўнгилчанликка ва ошириб юборишларга йўл қўймаслик, шунингдек кишилар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши курашишни енгил деб ҳам ўйламаслик лозим. Назаримда, у ёки бу салбий ҳолларга нисбатан жим қараб туриш ана шундай кишиларда бундан кейин номақбул ишларни давом эттираверсак бўлаверар экан-да, деган нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин.

Биз комил ишонч билан олға боряпмиз. Коммунизм сари биринчи бўлиб йўл очиб боряпмиз. Коммунистлар эса ҳеч қачон қийинчиликларни, хатоларни яширган эмаслар. Биз шуларга барҳам бериб социал тараққиёт чўққилари томон шаҳдам чиқиб боряпмиз.

Партиямизнинг кучи шундаки, биз, коммунистлар мавжуд нуқсонларнинг илдизларини қатъият билан очиб ташлаш ва уларга барҳам беришни жуда яхши биламиз.

Янги 1985 йил биз коммунистлар учун партия сафлари, барча бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг ўзига хос кўриги бўлади.

Менинг шунга ишончим комилки, биз бошланган ишни, албатта, охирига етказамиз.

Биз жуда кўп муваффақиятларни қўлга киритдик, дилимизни ва кўзимизни қувонтирадиган ва ғурур ҳисларига тўлдирадиган ютуқларимиз ғоятда мўл. Ёркин келажакни барпо этиш учун бизда ҳамма-ҳамма нарса муҳайё.

Суҳбатни
Т. ДАГЖИ
ёзиб олди.

Октябрь революцияси орденли Тошкент тепловоз ремонти заводининг илғор токари Аҳмад Бердимбетовнинг меҳнат фаолияти бошланганлигига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ўтган беш йил мобайнида у корхонада пешқадамлар сафидан ўрин олди. У ишга келган пайтлариданоқ ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди. Шу боисдан қисқа вақт ичида ўзи танлаган касбнинг сир-асрорларини қунт билан эгаллади. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида таҳсил кўрмоқда.



СУРАТДА: меҳнат илғори А. Бердимбетов.

В. Сироткин фотоси.

● Тошкентнинг харитаси олдида

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Кейинги йилларда Тошкент харитасида кўплаб янги массивлар, кварталлар пайдо бўлмоқда. Уларнинг сони эса тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Оҳангарон шоссеси атрофида ҳам янги қурилишлар олиб бориляпти. Янги массивда ўнлаб янги беш қаватли уйлар, болалар боғчаси, саноат ва озиқ-овқат магазинлари фойдаланишга топширилди.

Янги микрорайон фақат энига кенгаймай, балки бўйига ҳам ўсмоқда. Бу ерда биринчи 108 квартирали 9 қаватли эксперементал уй қурила бошланди. Эксперемент шундан иборатки, 9 қаватли уй беш қаватли уйлар сериясидаги конструкциялардан бунёд этилади. Фақат бу конструкциялар зилзилага бардошлилиги, сифати ошганлиги, юксак мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Мазкур уйда хоналар кенг ва қулай бўлиб, санитария-техника жиҳозлари, аҳлат ташлаш қувури алоҳида жойлашган. Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари қисқа вақт мобайнида объектда бинонинг «нуль» қисмини тикладилар. Сўнгра қурилиш майдонига монтажчилар келишди. Уйнинг иккита секцияси монтаждан чиқди. Бу ерда пардозлаш ишлари жадал суръатда олиб бориляпти. 3 ва 4-секцияларда конструкцияларнинг монтажи давом этмоқда. Мазкур комбинатга қарашли 1-монтаж бошқармасининг Валерий Абрамов бошлиқ монтажчилар бригадаси меҳнатда намуна кўрсатмоқда. Бу бригада яқинда ташкил этилганига қарамай, ишни бир маромда давом эттирмоқда. Бригадада ўн киши — пайвандчилар, монтажчилар, бетончилар ва дурадгорлар меҳнат қилади. Коллектив ўзининг Р. Кронштадский, Р. Бахиров, К. Аксютчик каби тажрибали қурувчилари билан ҳақли равишда фахрланади. Улар бригадага яқинда келган ёшларга ҳам турдош касбларни пухта ўргатмоқдалар.

— Шуни айтиш керакки, тажриба ва ёшлик шижоати жуда қўл келмоқда,— дейди катта прораб А. Балибердин. — Натижада ишончли, мустаҳкам коллектив вужудга келди. Бригада мунтазам равишда ишлаб чиқариш топшириғини уддалаб, сифатли иш бажаришга эришмоқда. Коллективга бригадир Валерий Абрамов раҳбарлик қилиб келяпти. У ўз касбини жонидан севади. Ўз ишига, ўзига ва бошқаларга ниҳоятда талабчан.

— Янги уйларнинг биринчи қуёнаси биз катта муваффақият билан ишлаяпмиз, — дейди В. Абрамов. — Чунки бу эксперименталь уй. Биз қурган янги уй ўзини оқлаши, барча тежамкорлик талабларга жавоб бериши, истиқомачиларнинг кўзини қувонтиришини истайиз. Ўйлаймизки, бунй уйлар аҳолига жа ҳам ёқади.

Ю. КАРИМОВ.

● Беш йиллик вахтасида

Иш унумини ошириш резервлари

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг реле йиғиш цехи қоплиплаш участкасида ишчиларнинг сони бир ярим баравар камайди. Илгари ишлаб чиқариш программасини ўн, тўрт киши бажарган бўлса, ҳозир уни тўққиз киши уддалаяпти. Бунга ишлаб чиқариш жиҳатдан янги тезюрар қолип машина-ускуналарини жорий этиш натижасида эришилди. Лекин ишчилар турдош касбларни ўзлаштиргганликлари, бир ишчи ўрнида иккинчи ишчи ишлай олиш даражасининг ошганлиги, иш вақтини тиғиздаштириш ҳам анчагина роль ўйнади.

Бирлашма коллективи бир йилдирки иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаяпмоқда. Бу эксперимент цех раҳбарларига иш ҳақини ўзгартириб туриш ҳуқуқини беради. Бу нарса йиғув цехида бир қанча штатларни қисқартиришга имкон берди. Масалан, металл, картон қирқиш, ғалтак қўйиш каби ёрдамчи ишлар учун одатда махсус ишчилар тутиларди. Бу ерда иш ҳақи оз бўлиб, кишилар бу ишларда узоқ туриб қолмасди. Эндиликда шу ишларни асосий касбдаги ишчи-слесарлар, йиғувчилар маълум қўшимча ҳақ эвазига ўриндошлик йўли билан бажо келтирмоқдалар. Бу нарса цех коллективи социалистик мажбуриятнинг муҳим бандини муваффақиятли бажаришга, иш унумини планга нисбатан бир процент оширишига имкон берди.

ЯНГИ РУБРИКА: ● Эл хизматидаги кишилар

ЭРТАНГИ КУН БУЮРТМАСИ

Тошкентдаги «Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи 1984 йил планини 27 декабрда 4 миллион 370 минг сўмлик қилиб муваффақиятли бажарди.

1929 йилда ташкил этилган «Қизил соатсоз» устахонаси кейинчалик «Ремточмех» комбинати деб атала бошлади. Эндиликда бу ихтисослаштирилган корхона маиший машиналар, приборлар ва бошқа металл буюмлар ремонти бўйича «Техсложбитприбор» деб аталади. Бугунги кунда бирлашма аҳолига барча маркадаги механик, электрон ва кварцли соатлар, кино ва фото аппаратлари, заргарлик буюмларини тайёрлаб бериш, холодильникларга абонементли хизмат кўрсатиш ва бошқа турлар бўйича 160 хил гарантияли ва гарантиядан кейинги ремонт хизматини бажариб бермоқда. Мухбирларимиз Э Адайкина ва А. Пўлатов бирлашма директори А. Д. Азимовдан бизнинг «Эл хизматидаги кишилар» янги рубрикамиз савол-ларига корхона фаолияти, хизматнинг янги усуллари юзасидан жавоб беришни сўрашди.

— Анвар Дадахўжаевич, кейинги бир неча йил мобайнида ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича бригада методини табақалаб жорий этиш жараёни юз берди. Бу янгилик корхонага, коллективга нималар берди!

— Кўп нарсани. Ягона наряд асосида ишлаш ремонт қилинаётган буюмларнинг сифатини кескин яхшилади, буюртмаларни бажариш муддатлари қисқарди, ишчи вақтини йўқотишга барҳам бериляпти, меҳнат унумдорлиги ўсмоқда. Ҳар бир районда холодильниклар, кир ювиш машиналари, пилесослар ремонти бўйича меҳнатни ташкил этиш бўйича бригада формасини жорий этиш ҳамшаҳарларимизга янада яхши хизмат кўрсатиш имконини берди. Меҳнат интизоми масаласини муҳокама қилиш ўз-ўзидан барҳам топди. Меҳнат интизомини бузувчиларга энг самарали таъсир кўрсатиш усули бригада аъзоларининг бир-бирини назорат қилишидир. Ҳар бир меҳнат коллективи интизомни ўзи яхшилаб бормоқда. Жамоатчилик танбеҳи, ишдаги касбдошларнинг сўзи ҳар қандай маъмурий танбеҳдан яхшидир.

— Ҳозирги пайтда шаҳримизда хизмат кўрсатиш бўйича қанча қабул пункти ишлаб турибди!

— Бузилиб қолган техникани созлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича 82 та комплекс қабул пункти ишлаб турибди. Масалан, буюртмачи устахонага соатини ремонтга топшира туриб, шу ернинг ўзида маиший техника ремонтига ҳам буюртма бериши мумкин. Бирлашма саноат корхоналарида аҳолига хизмат кўрсатиш каби илғор иш услубини, холодильниклар ремонти бўйича абонемент хизматини жорий этган. Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йилида 10 хил янги хизмат бўйича 708 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

— Хизмат кўрсатиш маданияти ва буюртмаларни сифатли бажариш ҳамон талаб даражасида эмас. Шундай эмасми!

— Фикрингизга тўла қўшиламан. Ҳозирча бизда ишлаб чиқариш майдонлари етишмайди. Янги Полторацкий кўчасида мураккаб маиший техника ремонти корхонаси қурилиши йил сайин сургалиб кетяпти. «Главташкентстрой»нинг 3-қурилиш трести 4-бошқармаси бу объект қурилишини 1978 йилда бошлаган эди, бугунги кунда эса капитал маблағнинг 48 процента ўзлаштирилди.

Тайёрловчи заводлар эҳтиёт қисмларни бирлашмага ўз вақтида етказиб беришмаётир. Натижада электрон, кварц соатлари, пилесослар деталларини етказиб беришда узилишлар содир бўляпти.

Бундай муаммони ҳал этиш йўлларини излаяпмиз. Чиндан ҳам хизмат кўрсатиш маданиятини оширишимиз жуда муҳим. Хатлар ва шикоятларга ўз вақтида эътибор беришимиз керак. Ҳар бир шикоят коллективда муҳокама этилишига ва унга нисбатан тегишли таъсирчан чоралар кўришга ҳаракат қиляпмиз.

— Бир қатор хизмат турлари — кондиционерларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, «Самарқанд» холодильникларига техника хизмати кўрсатиш ва кафолотли ремонти [бу вазифани Самарқанд заводи бажаряпти] ишини бошқа ташкилотлар бажараётганлигига қандай қарайсиз!

Ихтисослаштирилган «Техсложбитприбор» корхонаси аҳолига кўрсатилаётган барча хизмат турларини ўзида мужассамлантириши лозим, деб ҳисоблайман. Кўпинча буюртмачилар музика чолғу асбоблари ремонти ёки фотоаппаратларнинг кафолотли ремонти юзасидан буюртма қабул қилинмаслигига ажабланиб қоладилар. Улар ҳақлидирлар.

Бизнинг вазифамиз инсон фаровонлиги йўлида хизмат қилишдан иборат. Бирлашмамизда ўз ишининг чинакам ажойиб усталари, аълочи мураббийлар ва мутахассислар бир талай. Улар орасида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, соатсоз усталар Н. Г. Баришнев ва В. С. Геллер ва бригадир В. Душкова, Х. Усмонов, Н. Зарипов. Х. Фозилов, М. Худойбердиева ва бошқалар бор.

Биз ҳамшаҳарларимиз эртанги кун қандай буюртма беришлари мумкин, деган фикрда талаб ва таклифларни ўрганиб, ижодкорона ишлаб буюртмачиларнинг талабларини тўла-тўкис қондира оламиз.

● Газетанинг шу сонига интервью

Қутловлар оқими

Улуғ Октябрь 50 йиллиги номидаги республика Марказий телеграфининг коллективи Янги йил арафасида қўшимча 30 минг сўмлик алоқа хизмати кўрсатиш билан йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани тадбиқ этиш натижасида бундай зафарга эришилди.

1873 йилда Тошкентда биринчи бор телеграф станцияси ташкил этилган эди. Орадан 11 йил ўтгандан кейин Бухоро ва Каттақўрғон ҳам ўзининг телеграфига эга бўлди. 1887 йилда почта-телеграф конторасн ташкил этилди. 1921 йилнинг 26 январида бу алоқа турида қизиқарли янгилик юз берди. Худди ўша куни Эски шаҳар ижроия комитетининг мажлисида ўзбек тилидаги биринчи телеграмма олқишлар остида ўқиб берилди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир тошкентлик мамлакатимизнинг исталган шаҳри билан телефонда гаплашиши мумкин, исталган манзилга телеграмма юбора олади. Янги йил арафасида биз Марказий телеграф бошлиғи С. И. Содиқовдан коллектив юбилей йилида, айниқса Янги йил арафасидаги тиғиз ишларда қандай меҳнат қилганлиги ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Ҳеч кимга сир эмас, Янги йил тараддуди бошланмасдан барвақтроқ биз тошкентликларни қутлов телеграммаларини тезроқ юборишларига чорлаб эълонлар берамиз. Айниқса декабрнинг охирги кунларида қутловларнинг жуда катта оқимини қабул қилиб олишга тўғри келади. Янги йил арафасидаги катта юмуш 70 процент кўп бўлади. Одатдагига кўра қўшимча юз минглаб телеграмма юборишимизга тўғри келади. Бунинг уддасидан чиқамиз. Имкониятларни ишга соламиз. Бундай қизғин кунларда тиним билмай ишлаган коллективларимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Корхонамизда аълочи монтерлар, телеграфчи бригадалар, бутун-бутун цехлар тиним билмасдан ишлайди. Биз ана шундай меҳнатсеварларнинг ғайрати туфайли 23 декабрдаёқ йиллик планни бажардик. Масалан, телеграфчи З. И. Камушкина ҳозирда 1985 йилнинг декабрь ойи ҳисобига ишламоқда.

Телеграф каналларининг ўсиш суръати плани барвақт бажарилди. 266 янги канал уланди. Қарши, Термиз, Навоий, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар алоқа ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида учта коллективда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси татбиқ этилди. Янги техникани ривожлантириш, қабул қилинаётган телеграммаларни қайта ишлаш сифатини яхшилаш эвазига даромадлар плани ошириб бажарилди. Бу ютуқда ҳам рационализаторларимизнинг муносиб ҳиссаси бўлиб, улар иқтисодий самараси етти минг сўм бўлган 56 таклифни ишлаб чиқаришга тадбиқ этдилар.

Б. Литвинскийни [суратда] «Узбексельмаш» заводи коллективи ўз ишининг устаси сифатида ҳурмат билан тилга олади. У айни кунларда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилиб келмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган Б. Литвинский бир неча йиллардан бери корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада ғолиблик қилиб келаяпти.

ЯНГИ РУБРИКА: ● Газетхон суҳбатни давом эттиради

«ТАРКИ ОДАТ» БАРҲАМ ТОПСИН

Кейинги пайтда «Оқшом» саҳифаларида босилган шаҳар транспорти муаммоларига доир материаллар кўплаб газетхонларнинг эътиборини тортди. Редакцияга келаётган хатларнинг муаллифлари кўтарилган мавзуга қайта-қайта мурожаат этмоқдалар.

Ушбу муаммо қонунчилик тартибида ҳам ўз аксини топаётганини айтиб ўтмоқ лозим. Яқинда пассажир автотранспорти ва электр транспортидан фойдаланиш қондасини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида низом қабул қилинди. Чунончи, унда билетсиз юрган пассажирларга маъмурий таъсир кўрсатишнинг янги қоидалари баён этилган.

Пассажир автомобиль транспорти (шаҳар, шаҳар атрофига қатновчи маршрутлар, маршрутли такси лицензиялари ва электр транспортидан фойдаланиш қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларга қўйиладиган миқдорда жарима солинади: билетсиз юрганлик учун — уч сўм, қ[illegible] учун ҳақ тўламаганда — бир сўм.

Троллейбус, трамвай, автобус маршрутли таксида портловчи, [illegible] ёнувчи, заҳарли, ўткир ҳидли м[illegible]далар ва буюмларни олиб юр[illegible]лик учун, шунингдек уларни багажга ёки юк сақлаш жойига топширганлик учун [агар бу қондабузарлик жиноий жавобгарликни келтириб чиқармаса] — ўн сўмгача жарима солинади.

Жарима тўланиши пассажирни йўл ҳақи ва юк учун ҳақ тўлашдан озод этмайди.

Кўрсатилган қондабузарликлар учун жарима пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ва ички ишлар (милиция) органлари томонидан солинади.

Жарима қондабузарликка йўл қўйилган жойда солиниши мумкин. Штраф олингани ҳақида қондабузарга белгиланган нусхадаги квитанция берилади.

Қондабузар жарима тўлашни [illegible] этса ўша жойда протокол тузилади ва белгиланган тартибда жарима солиш масаласи ҳал этилиши учун шаҳар пассажир автомобиль транспорти ва электр транспорти ташкилотларига юборилади.

Кўриб турибсизки, чора тадбирлари анча қаттиқлашди. Лекин муаммонинг бошқа томони ҳам бор. Бу масалани газетхон П. Капранов ўз мактубида кўтарган.

Пассажир автомобиль транспорти ва электр транспортидан фойдаланиш қондасини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги низомни катта қизиқиш билан ўргандим. Унда билетсиз пассажирларга маъмурий таъсир кўрсатишнинг янги қоидалари баён этилган. Ҳа, энди жарима пули уч сўмгача етган пайтда билетсизлар чақаларини аямайдиган бўлишади.

Шаҳримизда электр транспортида билетсиз пассажирлар сони нима учун камаймаётгани тўғрисидаги масала фақат шаҳар транспорти ходимларигагина тегишли эмас. Узингиз ўйлаб кўринг: транспортнинг ушбу тури Тошкентда жуда ҳам оммалашган. Буни трамвай-троллейбусларнинг мунтазам қатнаб ганлиги билан ҳам изоҳ мумкин.

Тошк трамвай-троллей ишлаб чиқариш бармаси шаҳар территориясининг кенгайишида аҳолининг кўпайиш инобатга олиб [illegible] маршрутларни мзам ишга туширмо[illegible], эскиларини эса [illegible]миллаштирмоқда. [illegible] пассажирлар йўл [illegible]ок ҳақини сидқидил тўлаб турсалар [illegible]ладлар бундан ҳам [illegible]ан бўлур эди, деб [illegible]алла айта оламиз.

У бу тошкентлик учун[illegible]арволик оқибатида ёки 4 тийинни аяб[illegible]ул юриш нимага олиб[illegible]ади? Мамлакатимиз кейинги йилларда қаҳи анча кўпайди, [illegible]ар электр транспо[illegible]ати йўл ҳақи эса ўзгасиз қолди. Нима[illegible]дир бепул юриш «кирза»лари давлатимиз меҳнат кишилар[illegible]ғрисида кўрсатаётган ҳамхўрлигини тў[illegible]ла тушуниб етмаяптилар,

Шундай пайтлар ҳам бўлиб турадики, пассажирлар баъзан салоннинг орқа ва ўрта эшиги ёнида туриб олиб, ҳайдовчининг эшик очиши ёки очмаслигини кутиб туришади, эшик очилмай қолса олдинги эшикка югуришдан олдин апил-тапил абонемент билетларини компостер қилиб олишмайди? Афтидан, тарки одат амри маҳол деганларидек, айрим кишилар бунга жуда ҳам ўрганиб қолишганга ўхшайди.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ходимларининг бу арзимас «тарки одат»га қарши курашиш учун ҳаётий вақт ҳам қудрати етмаяпти. Бунинг учун жамоатчилик яқиндан ёрдам бермоғи керак.

ЯНГИ РУБРИКА: ● Юрист жавоб беради

Иш стажи ва маош

Мен 1983 йил Самарқанд Давлат медицина институтини битирдим. Ўқишга кирмасдан олдин фельдшер бўлиб ишлаганлигимга қарамай, ҳозирги иш жойимда ёш мутахассис — врач сифатида маош тўланмоқда. Айтингчи, институтдаги ўтган вақт ва ундан олдинги ишлаганим иш стажига қўшиладими, қўшилса ойлик маошга таъсир қиладими!

Р. ТОШТЕМИРОВ.

Амалдаги меҳнат қонунларга кўра олий ўқув юртларида, ўрта махсус ўқув юртларида, партия мактаблари, аспирантура ва клиник ординатураларда бўлиш вақти умумий иш стажига қўшилади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, кўрсатилган ўқув муассасаларида бўлинган вақт шу ўқув юртларига киришдан олдин ишчи ёки хизматчи бўлиши, Совет Армиясида, шунингдек бошқа шунга тенг келадиган хизматда бўлган бўлиши шарти билан умумий стажга киритилади.

Юқоридаги хат авторининг ёзишига кўра, у ҳам бундай имтиёздан фойдаланади. Ҳозирги иш стажига ўқишдан аввалги иш стажи ва ўқиш даври киритилади. Бироқ, бу нарса ойлик маош кўпайишига таъсир қилиши қонунда кўрсатилмаган.

Мен уч йилдан бери ҳунар-техника билим юртида мастер бўлиб ишлайман. Шу билан бирга институтнинг сиртқи бўлимида ўқияпман. Энди диплом иши ёзиш учун отпуска берилди. Институтнинг справкасида отпуска пайтида ўртача ойлик маош сақланиши керак дейилган. Ойлигим 185 сўм бўлишига қарамасдан ишхонамдагилар ойига 100 сўм олишингиз керак дейишди. Шу тўғримми!

Д. ЯНГИБОЕВ.

Узбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 226-моддасига биноан ишни кечки ёки сиртқи олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш билан боғлаб олиб бориш муносабати билан берилдиган отпускалар вақтида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи сақланиб қолади. Лекин бу ҳақ белгиланган миқдордан ортиқ бўлмаслиги керак. Белгиланган миқдор эса СССР Министрлар Советининг 1959 йил 5 ноябрь ва 2 июлдаги қарорларида кўрсатилган. Шунга кўра, сиртқи ёки кечки олий ўқув юртларида ўқиётганларга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Лекин олий ўқув юртида ўқиётганларга кўпи билан 100 сўм миқдорида, ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларга эса кўпи билан 80 сўм миқдорида ҳақ тўланади.

А. ҲАСАНОВ,
юрист-консультант.

ГАЗ ТЖАЛМОҚДА

Бутуниттифоқ халқ хўжалигида газдан фойдаланиш ҳамда нефть, нефть маҳсулотлари ва суюлтирилган газни ер остида сақлаш илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари ёқилғи беришни созлаш кўлами кенгайтирилган горелкани ишлаб чиқдилар. Бу ихтиро буғ генераторларини горелкарилмаларида кўпиришлатишга аталган. [illegible]ан аввалги аппарат газ батамом ёниб бўлмаганлиги, конкрет вазиятга [illegible]ўт интенсивлигини [illegible]рашга имкон берди. Эндиликда газ ёнув камерасига аввалгидек томондан эмас, [illegible]кки томондан бериб турилади. Бу нарса бошқа баъзи техник такомиллаштиришлар билан биргаликда горелкадаги босимни белгиланган миқёсда ўзгартириб туриб, текис газ оқими ҳосил қилишга ва пировард натижада ёқилғини чиқитсиз, бинобарин энг тежамли сарфлашга имкон беради.

● ФАСЛЛАР ЗИЙНАТИ

ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ

Жонажон ўлкамизга йил бошн ва қиш ўртаси ҳисобланган январь ойи ташриф буюрди.

...Кўп асрлар илгари кўпчилик мамлакатларда 1 сентябрдан бошлашган. Фақатгина қадимги римликларда йилни 1 мартдан ҳисоблашган. Узоқ вақтларгача йилни Англияда 25 мартдан, Германияда эса 25 декабрдан ҳисоблашган. Россияда эса, 1492 йилгача йил 1 мартдан бошланган, ундан сўнг йил боши 1 сентябрга кўчирилган.

Йил бошидаги бу хилма-хиллик мамлакат халқлари орасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирар ва чалкашлик туғдирар эди. Шу туфайли Россияда Пётр I буйруғи билан 1700 йилдан бошлаб, кўпчилик мамлакатларникидек, 1 январь йилнинг биринчи куни деб тайинланди.

Одатда январь энг совуқ ой ҳисобланади. Аммо бу йил қишнинг биринчи кунидан бошлаб, бу фасл ўз «ҳуқуқлари»дан тўла фойдаланади. Арктика районларидан келган совуқ ҳаво ўлкамизда вақтинча ўз жойини топди. Лекин бу ҳол вақтинча бўлиб, синоптикларнинг берган маълумотига кўра, январнинг биринчи ўн кунлигигача давом этади. Шундан сўнг кунлар анча илиб, қиш «ўз қувватини» камайтиради.

Шу кунларда бепоён мамлакатимизнинг барча районлари қор билан қопланган бўлиб, ҳаво ҳарорати ноль даражадан пастни кўрсатаяпти.

Мамлакатимизни н г шимолий районларида энг паст ҳаво ҳарорати кузатилмоқда. Шимолий ярим шардаги совуқлик қутби ҳисобланган Верхоянскда ва Оймаконда январнинг ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 50—56 даражани ташкил этади. Шу билан бирга, Қримнинг жанубий қисмида ва Қора денгиз бўйларида ҳаво ҳарорати ноль даража атрофида кузатилади.

Январь ойида одатда ўлкамизда ёғин миқдори унча кўп бўлмай, 8—14 миллиметрни ташкил этади. Тоғ олди районларида 20—25 миллиметр, тоғли жойларда 60—70 миллиметр ёғин ёғиши мумкин.

Январда ёғинли кунлар одатда шимолий ва шарқий районларда 20—23 кунни ташкил этса, жанубий районларда бор-йўғи 6—9 кунни ташкил этади.

Январь — гўзал сайёрамизнинг шимолий ярим шарида қаҳратон қиш ойи бўлса, жанубий ярим шарда эса, ёз фасли авжида. Дарҳақиқат, шу кунлари Антарктидада ёз. У ерларда декабрь, январь ойларида ҳаво бизнинг ўлкамиз (Ўрта Осиё)га нисбатан анча иссиқ бўлиб, ҳаво ҳарорати 0 даража атрофида кузатилади.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

ИГНАБАРГЛИ ДАРАХТЛАР

Яшиллик олами шаҳар ҳуснига олтин исирға каби ярашади. Шаҳримиз кўчаларида, хиёбонлар ва истироҳат боғларида илгари игнабаргли дарахтлар кам учрар эди, шаҳарни кўкаламзорлаштиришда улар беш процентни ташкил қилар эди Бундан 30 йил илгари шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда игнабаргли дарахтлар кўп ўтқазила бошлади, ҳозирги кунда бу 15—20 процентни ташкил этади.

Россия ўрмонларида ўсадиган ель (арча) ҳавога учувчан фитонцид моддаларини кўп чиқаради. Фитонцидлар ҳаводаги бактерия ва микроблар ҳажмини камайтиради. Ўрта бўйли дарахт 24 соат мобайнида уч киши нафас олиши учун етарли кислород моддаси етказиб беради. Бир кун мобайнида бир гектар ўрмон ҳавосидан ўзига 200 — 280 килограмм карбонат ангидрид газини йиғиб олади ва ҳавога 180—280 килограмм кислород чиқаради. Табиий ўрмонларда ўсиб турган маҳаллий арчалар инсон соғлиғи учун жуда фойдали дарахт ҳисобланади. Шунинг учун арча ўрмонларида, тоғларда ўпка касалликларини даволайдиган санаторийлар ташкил этилган. Бир туп арча дарахти ўзидан бир кунда 30 грамм, бир гектар ердаги арча ўрмони эса бир кунда ҳавога 30 килограмм учиб юрувчи фитонцид модда ажратиб чиқаради. Шу миқдордаги фитонцид катта бир — 250000 аҳоли яшайдиган шаҳар ҳавосини бактериялардан халос қилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли манзарали боғдорчилик совхози кўчатзорларида ҳар йили 15 та арча туридан миллионлаб кўчатлар етказилади. Айниқса Ўрта Осиё шароитидаги жуда тез ўсадиган «виргиния арчаси» (ватани Шимолий Американинг Виргиния штати) кўп миқдорда етказилиб, аҳоли яшайдиган кўча, хиёбон ва парклларга экилади.

Ўзбекистон шароитида игнабаргли ўсимликлардан, айниқса қарағай турлари шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштир и шда кенг тарқалган. Шулар ичида оддий қарағай, веймут қарағайи, қрим қарағайи ва бошқа қарағайлар катта ўрин эгаллаган.

Тилоғоч деган игнабаргли дарахт бошқа игнабаргли ўсимликлардан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. У кузда игнабаргларини тўкиб, кўкламда яна янги игнабарглар чиқаради. Бу дарахтнинг ёғочи мустаҳкам бўлганлиги учун қурилишда қўлланади. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида бу тилоғоч туркумига оид 28 та тури ўстирилади. Бундан ташқари, ёлғон тилоғоч (псевдоларикс) туркумига оид — хитой тилла тилоғочи республикамиз шароитида синалмоқда.

Шаҳарни кўкаламзорлаштиришда пихта туркумига оид ўн тўрт тури шаҳримиз шароитида яхши ўсиб ривожланмоқда. Бу игнабаргли дарахтни ҳам тез вақт ичида аҳоли яшайдиган микрорайонларда кўриш мумкин.

Ботқоқ сарвиси — дунёдаги дарахтлар ичида энг гўзал ва хушманзарали ҳисобланади. Шарқ шоирларининг ўз ғазалларида гўзал қизларни кўпинча ана шу дарахтга ўхшатишлари ҳам бежиз эмас. Бу дарахт Шимолий Америка ва Хитойда табиий ҳолда кўп учрайди. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Деновдаги 120 ёшга кирган катта сарв дарахтларидан уруғини йиғиб кўчатзорларда кўпайтирилса шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади. Ботқоқ сарвиси асосий илдизидан ташқари, яна ҳаво илдизларига эга. У ҳаво илдизлари ёрдами билан тупроқда етишмаган озуқаларни ҳаводан олади, янги барпо этилган канал, кўл ва сув ҳавзалари қирғоқларини мустаҳкамлайди. Сарвнинг бўйи 50 метр, танасининг йўғонлиги эса 2 метргача боради. Қобиғи тўқ қизил, ёғочи сариқ рангда бўлади. Ёғочи юмшоқ, сувда чиримайди. Шу сабабли ҳам у темир йўл шпаллари, бочкалар ясашда ва бинокорликда кенг қўлланилади.

Умуман, игнабаргли дарахтлар пойтахтимиз кўчаларига, хиёбон ва боғларига кўп миқдорда экилса, қиш пайтида ҳам шаҳар кўм-кўк, яшил бўлиб туради.

К. ОРИФХОНОВ,
биология фанлари кандидати.

● Сўз — шифокорга

ҚИШ ЧИЛЛАСИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Январь—янги йилнинг тўнғич ойи, умуман қиш фаслида инсон организмининг нафислашган даври ҳисобланади. Табобатда шу нарса маълумки, ҳаво ҳаротининг пасайиб кетиши инсон организмида энергия сарф бўлишини кучайтиради, яъни танани маълум даражадаги ҳарорат билан таъминлаб туриш учун ситувчи манба—қўшимча энергия сарф қилиниши лозим бўлади. Демак, ҳаракатда бўлган меҳнат билан бевосита алоқадор кишилар айниқса, қиш палласида тўйимли овқатланишлари лозим. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари сервитаминли неъматлар билан бойитилган бўлиши керак.

Қишнинг ўзгача гашти бўлиши билан бирга, унинг «қаҳри-захри» ҳам қаттиқ ва ўткир бўлиши табиий. Дармонсизланган, яъни етарлича шифобахш неъматлар билан қондирилмаган инсон организми талайгина тажаввузкор хасталикларга йўлиқиш хавфи ортади. Инсон организмини ташқи тажаввузларга нисбатан чидамлилигини ошириш учун аввало уни чиниқтириш, қоларса организмнинг курашчанлик-мудофаа қувватини оширувчи табиий омиллардан тадбиркорлик билан фойдаланиш керак бўлади.

Қиш чилласида қуйидаги тадбир-амалларга эътибор бериш лозим бўлади. Аввало организмга кўр бўладиган, сифатли қилиб тайёрланган тўйимли овқатлар сервитаминли неъматлар билан бойитилган бўлиши ёки бўлмаса витамин ва ўзида витамин сақлаган неъматлардан истеъмол этилиши керак. Бу борада туршак, тоғолча, олхўри, олма, олча қоқиларидан шарбат тайёрлаб ичиш, қулупнайли, парманчак, хўжағат меваларидан қилинган шакарли омухта ёки мурабболардан истеъмол қилиш витаминга ташна бўлган организмга пором келади. Бундай неъматлар шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларнинг келиб чиқишига барҳам берадиган табиий омиллардан ҳисобланади. Сервитаминли неъмат бўлмиш наъматак меваларидан димлама тайёрлаб ичишнинг таърифи беқиёс десак бўлади.

Айни совуқ кунлари ҳар куни наҳорга бир чой қошиқ миқдорида асал ёҳуд ёнғоқ катталигидаги новвот билан чой ичиш ниҳоятда фойдали. Умуман, тартибли овқатланиш, яъни маълум бир вақтда сифатли овқатланишга одатланиш лозим.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

● СИНОПТИК МАЪЛУМОТИ

ЯНВАРДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ўрта Осиё территориясига совуқ ҳаво оқими кириб келади. Бу оқим Сибирь йўналишидан бўлмай, балки бошқа томондан пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам совуқ кунлар декабрдагига нисбатан юмшоқ бўлади.

Январь ойининг биринчи ярмида температура кечалари 8—13, кундузлари эса 1—6 даража совуққача тушади. Иккинчи ярмида эса ҳаво бир мунча исийди. Бу палада совуқ оқимлар ҳам кириб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам температура 5—10 даража совуқдан 0—5 даража совуққача тебраниб туради. Кундуз кунлари 0—5 даража совуқдан 3—8 даражагача иссиқ бўлади. Январь ойи бўйича ўртача температура меъёридан пастроқ бўлади. Ёғингарчиликлар миқдори эса меъёридан ошади.

В. ХИСАМИЕВА,
Ўзбекистон гидрометеорология маркази узоқ муддатли прогнозлар бўлими бошлиғи.

Қиш манзараси. В. Молгачев фотоэтюди.

ЯНВАРЬ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Январь лотинча «Януарис» сўзидан келиб чиқан бўлиб, янус худоси шарафига римликлар томонидан қўйилган. Январнинг қадимги славянча номи просимез бўлиб, у «просинь» сўзидан олинган, кўп булутли кунлардан сўнг англатади.

—ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

ҲАР ОЙНИНГ ЎЗ ТАОМНОМАСИ БОР

Январь ойи қаҳратон қиш бўлганлиги сабабли кўпроқ витаминли (сабзавот таомлари), оқсилли (гўшт, тухум, балиқ), крахмалли (картошка, дуккак донли) таомларни истеъмол этган маъқул. Салат ва яхна овқатлардан: карам, турп, анор ва пиёздан тайёрланган салатлар, хасип, яхна жигар, қовурилган балиқ тановул қилиш фойдадан ҳоли эмас. Суюқ ошлардан: шолғом шўрва, хўплама, мош қовоқ, нўхат шўрва, сутли угра ва шу кабиларни истеъмол этиш мақсадга мувофиқдир. Қуюқ таомлардан эса нўхатли палов, сарнёғли палов, зиғир ёғли тухум палов, ловияли шовла, мошкичири, гуруч лагмон, сих кабоб, қовурма, картошка бийрон, ютанза, қиймали хуноллар тановул қилинади. Қуйида таомлардан бири — хўпламани қандай тайёрлаш ҳақида сўз юритамиз.

ХЎПЛАМА

Ушбу таом суюқ овқатлардан шўрва типига мансуб бўлиб, сув қуймасдан фақат помидор шарватида тайёрланади. Бунинг учун гўшт қиймаланади, қиймага қирилган саримсоқ, сабзи ва турп ҳамда майда кубик қилиб тўғралган картошка, таъбга кўра туз ва мурч қўшиб аралаштирилади. Қозонда қўй ёғи ёки сариёғни доғлаб, бунга ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган пиёз солинади. Пиёз қизаргач, қиймага аралаштирилган сабзавотларни солиб сели чиққунча қовурилади, сўнг помидор шарвати қуйилади. Шўрва пуштироқ ранг олиши ва ортиқча нордон бўлмаслиги учун унга бир оз қаймоқ қўшиш мумкин. Хўпламани суст-оловда 30—35 минут милдиратиб қайнатиш зарур.

Тайёр таом дастурхонга косаларда ёки пиёлаларда чой каби хўплаб ичиш учун тарқатилади. Юзига чопилган ошкўклар сепсангиз хушбўй ҳиди ва дармондориларга бойлиги янада ортади.

Масаллиқ: 500 грамм гўшт қийма, 250 грамм, яъни 1 дона турп, 1—2 дона сабзи, 300 грамм картошка, 2—3 паррак саримсоқ донаси, 2—3 бош пиёз, 150 грамм қўй ёғи ёки сариёғ, 3 литр помидор шарвати, 50 грамм қўл қаймоқ, туз ва зираворлар таъбга кўра олинади, юзига эса 1 боғ шивит ёки кашнич сепиш керак.

К. МАҲМУДОВ.

ТО ГАЗЕТХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Газета редакцияси Янги йил арафасида оқшомхонларга мурожаат этиб ўзларининг қимматли маслаҳатлари, мулоҳазалари ва Янги йилда газетамиз саҳифаларида қандай мавзуларда мақолалар ёритилиши ҳақида бир неча саволларимизга жавоб беришларини илтимос қилган эди. Қисқа муддат ичида қадрли оқшомхонлардан редакциямизга кўплаб хатлар келди. Газетхонларнинг таклиф ва мулоҳазалари билдирилган хатлар оқими узилмаяпти. Биз қуйида азиз оқшомхонлар йўллаган мактубларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Тошкент оқшоми» Янги йилда ҳам талабчан ўқувчиларга мазмун бўладиган мақолаларни бериб боради, деб умид қиламиз. Янги йил сонларида рус, ўзбек адабиёти, шунингдек чет эл прогрессив адабиёти намояндаларининг энг муҳим асарлари ҳақида газетхонларга маълумотлар бериб бориш мақсадга мувофиқ. Пропагандист, агитаторларга ёрдам тариқасида ижтимоий, иқтисодий, техника тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, медицина, адабиёт, санъат ва бошқа муҳим мавзуларга бағишлаб «Тошкент оқшоми»га ёритилган назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган мақолалар библиографияси йилнинг охирида — декабрь сонларида бериб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

О. ҚАЮМОВ,
Тошкент Давлат маданият институти рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг доценти.

●

Шаҳримиз табиатига хос бўлган шифобахш мевали дарахтларни ўстириш йўллари ҳақидаги материаллар кўпроқ берилишини истаймиз. Негаки мевали дарахтлар болалар боғчалари, мактаблар ва интернатлар, техникумлар ва пионер лагерларининг ҳовлиларидагина онда-сонда кўринади, холос. 1985 йилнинг дастлабки саҳифаларидан бошлабоқ бу борада янги рубрика остида мунтазам материаллар бериб борилса, яхши бўлар эди.

С. ИКРОМОВ,
иқтисодчи.

●

«Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши», «Совет турмуш тарзи», «Давр нафаси», «Инсон, жамият, қонун», «Оила даврасида суҳбатлар» рубрикаси остидаги материаллар бизга ёқади. Янги йилда газета саҳифаларида «Оила ва мактаб», «Педагог минбари», «Шифокор минбари» каби кўпчилик эътиборини ўзига тортувчи рубрикалар пайдо бўлишини истардик, «Шанба оқшоми» саҳифасида «Шанба фельетони» деган янги рубрика ташкил этилгани жуда яхши бўлди. Бундан ташқари, биз Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, севимли ёзувчилар ва артистлар ҳаёти, фаолияти билан мунтазам танишиб боришни истаймиз. «Инсон ва қонун» рубрикаси остида пораҳўрларга, қонун бузувчиларга, эскиликка муккасидан кетган шахсларга қарши, шунингдек «Чайқовчига шафқат йўқ» рубрикаси остида ҳам таъсирчан материаллар бериб бориш керак.

Э. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг ўзбек адабиёти кафедраси доценти,

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги республика ўқув-методик кабинетининг редактори.

●

Менинг ёшим саксонда. Партия аъзосиман, меҳнат ветераниман. 1919 йилдан буён Тошкентдаман. Шаҳардаги ҳар бир янгиликни эшитганимда ёки кўрганимда қувончимга қувонч қўшилади. Партия ва ҳукуматимизга чексиз ғамхўрликлари учун минг-минг ташаккур айтаман.

Баъзи нуқсонлар эса кишини ранжитади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳозирги ҳаётимиздаги камчиликларни шунчалик рўй-рост очиб ташладики, у бизга келгусидаги аниқ-равон йўлни белгилаб берди. Ҳеч шубҳа йўқки, «Тошкент оқшоми» пленум белгилаб берган йўлни бундан буён ҳам чуқур таргиб этаверади! Менинг ягона истагим шуки, 1985 йилдан бошлаб газета саҳифаларида қуйидаги камчиликларга барҳам беришга эътибор қаратилса: 1. Гўзал шаҳримиз кўчаларидан ўтиб бораётганингизда унинг икки четида уюлиб ётган ахлатларга, ариқлардан чиқариб ташланган балчиқларга кўзингиз тушиб, қаттиқ ранжийсиз. Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ходимлари ҳам бундоқ кабинетдан чиқиб, ана шу кўча четларига ҳеч қарашадими! 2. Ҳар йили шаҳримизда қанчадан-қанча кўчатлар ўтқазилади. Улар ёзда суғорилмаганлигидан қақраб қуриб қолади. «Халқлар дўстлиги» майдонидаги Хадрагача кўчанинг икки томонига жуда чиройли арча кўчатлари ўтқазилган эди. Ана шу юзлаб кўчатлар қани! Бундай мисоллар кўп. 3. Янги уйлар фойдаланишга топширилядию, улар атрофидаги ҳар хил чиқиндилар, темир-терсаклар, ўйдим-чуқурлар тугамайди. 4. Серқатнов кўчаларни шартта бузиб, кавлаб ташлаш каби ҳолларга қачон барҳам берилади! Кўпдан бери шу фикрларни ўйлаб юрган эдим.

А. НИЗОМХОНОВ.

●

Шаҳар пассажир транспорти талабга етарли жавоб бермаяпти. Айниқса, трамвай ва троллейбуслар. Бу ҳақда газета саҳифаларида танқидий материаллар тез-тез бериб борилишини таклиф этаман. Бунда ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ва масъулиятни оширишга кўпроқ эътибор бериш зарур.

К. ТАБИБОВ.

ЯНГИ РУБРИКА:

● Ўз мучалингизни биласизми?

МУЧАЛНИ СИНАБ КЎРИНГ

Юлдузларга қараб башорат қилиш, мунажжимлик ва мучал қабилар бир ёки бир неча кишиларга тааллуқли бўлмасдан, баъзи ҳолларда, бутун бир халққа муносиб. Мучал ҳисоби Осиё ва Африка қитъаларида жойлашган кўплаб мамлакатларнинг халқлари орасида қадимдан ҳукм суриб келаётган ақидалардандир. Мучал ҳисоби ўн икки ҳайвоннинг номи билан юритилиадиган ўн икки йилдан иборат бўлган даврни ўз ичига қамраб оладиган йил ҳисобидан ташкил топган. Қуйида келтирилаётган —сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғизларнинг ҳар бири бир йил ҳисобида юритилади. Янги туғилган бола қайси ҳайвон номидаги йилда туғилган бўлса, ўша йил у боланинг мучал йили ҳисобланади. Бир мучалга тўлган кишининг она қорнидаги пайти ҳам бир ёш ҳисобланиб 13 ёш ҳисобланади. Икки мучал тўлганда 25 ёшлиги хурсандчилик билан тантанавор нишонланган.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мучал ҳисоби дастлаб Грек-Бактрия подшолиги давридаги халқлар томонидан яратилган. Кейинчалик бу удум Мўғилистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёга тарқалган.

Шуни ҳам айтиш керакки, мучал ҳисобига киритилган ҳайвонларнинг«хосиятли» «муқаддас» бўлиши билан бирга, «бахтсиз» ва «хосиятсиз»лари ҳам бўлган. Масалан; «Илон йили»да қурғоқчилик, қимматчилик, қиши совуқ бўларкан. Ёки «Сичқон йили» бахт ва фаровонлик келтирувчи йил эмиш.

—1—

Мучаллар ва одамлар

Шак-шубҳасиз, мучалларнинг сифатлари кишиларни қизиқтириб келган. Йўлбарс йилида туғилган қизлар Хитойда жуда қийинчилик билан турмушга чиқишади. Чунки, у мучалда дунёга келган қизлар хатарли хотинлар бўлармиш. Шу сабабли Йўлбарс йилида қиз кўриб қолишдан қўрққан хитойликлар ўша йили фарзанд кўрмасликка ҳаракат қиладилар.

Мучал йилномаси милоддан аввалги VI асрдан маълумдир. Шарқ халқлари, хусусан хитой ва япон халқларида мучал ҳайвонларига хос бўлган хилма-хил сифатлар тўғрисида жуда кўп одат ва тақлидлар мавжуд. Ҳатто икки ёшнинг бир ёстиққа бош қўйиши ҳам, баъзи ҳолларда бир неча ой ва йилларга орқага сурилади. Чунки, маълум бир мучалда туғилганнинг бошқа бир мучалда туғилган билан қурган турмуши номуносиб бўлар эмиш.

Хитой мучал йилномасида айтилишича, ҳаёт ҳаво, сув, олов ва тупроқдан иборат бўлгани каби, йил мучаллари ҳам Ян ва Янгдан таркиб топган эмиш. Ян — Ер ва Ой мучали бўлиб, у салбий ишлар, совуқлик ва жимлик рамзи эмиш. Янг эса нур ва ботирлик, осмон ва Қуёш, куч ва қудрат тимсоли эмиш.

—2—

Шундай қилиб 12 мучал ҳайвонлари Ян ва Янг мучалларидан таркиб топган. Хитой мучали бўйича ҳар бир мучал йили милодий йилнинг февраль ойидан бошланади. Демак, январь ойида туғилган кишилар эски мучал бўйича ҳисобланадилар.

Қуйидаги мучал йилномаси жадвалини диққатингизга ҳавола қиламиз:

—3—

биридир. Бу мучалда туғилганлар ажойиб ва виждонли кишилар бўлиб, улар ўзларини ва бировларнинг тақдирларини билишда башорат қиладилар. Юзлаб километр нарида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан воқиф ва хабардордирлар. Улар омадли кишилардир, зеҳнлари ўткир бўлганликлари учун ҳам улар барвақт уйқуга кетадилар. Баъзан тунги кун дам олишни истайдилар. Номаълум ишларга қизиқадилар, ғайритабиий ҳодисаларга уринишни ёқтирадилар.

—4—

Тунда туғилганлари қундузи туғилганларига нисбатан шижоатлироқ бўлади. Кундузи туғилган сичқон йили соҳиблари ўта уятчан бўладилар.

Сичқон-ит никоҳи яхши бўлмайди. Сичқон-мол никоҳи намунали бўлади.

1. СИЧҚОН	1900	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984
2. МОЛ	1901	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985
3. ЙЎЛБАРС	1902	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986
4. ҚУЁН	1903	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987
5. АЖДАРҲО*	1904	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988
6. ИЛОН	1905	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989
7. ОТ	1906	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990
8. ҚЎЙ	1907	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991
9. МАЙМУН	1908	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992
10. ТОВУҚ	1909	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993
11. ИТ	1910	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994
12. ТЎНҒИЗ	1911	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995

1. Сичқон йили

Сичқон йили Ян юлдузлар туркумига кирадиган мучаллардан

—5—

тундагилари эса роҳат-фароғатда яшайдилар.

Мол кавш қайтаргувчи ҳайвон бўлганлиги учун ҳам ўша йил соҳиблари ўтмиш кунларини эслаб, ҳаёт тажрибаларига суянган ҳолда иш қиладилар.

Мол-от ёки мол-қўй никоҳлари унча яхши бўлмайди, сичқон билан эса намунали ҳаёт кечирадилар...

3. Йўлбарс йили

Ушбу йил Янг юлдуз туркумига кирувчи мучаллардан бўлиб, у ботирлик, нур, иссиқлик, фаоллик рамзидир ҳамда қувват, шижоат ва ҳарбийча шижоат соҳибларидир. Бу йилда туғилганлар қаттиққўлликлари, жиддийликлари ва бошқа ижобий томонлари билан ажралиб турадилар. Баъзилари ва вақшийлик аъломатлари ҳам йўқ эмас. Тунда туғилганларида душманлик сифатлари ҳам йўқ эмас. Аёлларининг турмуш ўртоқлари оламдан эрта кўз юмадилар, чунки уларнинг ёшлари анча улуғ бўлади ва кўпинча, эрларининг айтганларини қайсарлик билан бажармайдилар. Успиринлари моҳир чавандозликлари туфайли, ўғрилик, олов ва шайтон каби уч мусибатдан усталик билан қутулиб чиқадилар.

Йўлбарс йили соҳиблари бирор мақсадни кўзлаб иш қилсалар, яширинча эмас, балки очиқдан-очиқ йўл тутадилар. Бундан ўз атрофдагилари воқиф бўлиб турадилар ҳамда ҳайрихоҳлик билдирадилар. Шу сифатлари учун ҳам уларни бошқалар ҳурмат қиладилар ва илиқ муомалада бўладилар.

Қадим Хитой мақолида «Йўлбарснинг кўзи аждаҳога тушса, аждаҳо тарс ёрилади» дейилади. Шунинг учун ҳам Йўлбарс йили қурилган турмуш фақат аламли ўтмишдан иборат бўлади. Йўлбарс йили соҳиблари Тўнғиз йили соҳиблари билан турмуш қуришлари керак.

—6—

4. Қуён йили

Қуён — Ян юлдузи мучалларидан биридир. Қуёнлар ўта сезгирдирлар, бошқаларининг мушкулларини енгиллаштиришга уринадилар, шунингдек кўзлари равшан, жуда яхши кўрадилар.

Қуён бечора ва ғализ ҳайвон бўлиб, бирор хавф-хатар олдида дарров ўз инига қараб чопади. Ушбу йилда туғилганларга кўпинча аламли ва мусибатли онлар ёзилгандир. Улар одатда, бир томонлама, келажаги равнақ бўлмаган йўлни танлайдилар, натижада фойдали бошқа йўлларни топа билмайдилар. Улар қўл урган иш осонликча рўёбга чиқмайди. Шунингдек, улар моддий-маънавий ишларда яккадирлар, вақшийликлардан нафратланадилар. Ҳаётда кўп ишларда ўртача йўл тутадилар. Улардан на бой, ва на камбағал чиқади, яхши ҳам, ёмон ҳам эмаслар.

Қуёнлар асло Аждарҳо ёки йўлбарслар билан никоҳда бўлмасликлари керак, Ит йили соҳиблари билан қурган турмуш намунали турмуш бўлади...

5. Аждарҳо йили

Аждарҳо афсонавий куч-қудрат рамзидир. У буюк ўзгаришлар қилишга қодирдир. Бу йил бахтли йилларидан ҳисобланади. Катта Аждарҳонинг мол-мулки кўп, пешонаси очиқ, узоқ умр кўради ва бошқа жинсдан қониққан бўлади. Кичик Аждарҳонинг тақдири ҳам ўша, аммо ўзига қараб кичикроқ бўлади. Аждарҳо хоҳ катта, хоҳ кичик бўлмасин, ҳар бир нарсага ўзи қарор чиқаришни афзал кўради, бировнинг аралашувини ёқтирмайди.

Аждарҳо йили эгалари Қуён йили соҳиблари билан қурган турмуши ижобий бўлмайди. Шунингдек, Маймун билан ҳам яхши бўлмайди. Аждарҳо-Товуқ йили муваффақиятли бўлади. Одатда, Аждаҳо мучали аёлларнинг жинсий рағбатлари кучлилиги билан ажралиб туришади...

Т. НИЁЗОВ,
Ш. РУСТАМХЎЖАЕВлар тайёрлашган.
(Давоми бор).

* Шарқ халқларида Аждарҳо йили ўрнида Балиқ (Наҳанг) йили олинган.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМА-ОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда.

● Иккинчи тахтада кураш давом этмоқда. Бу ерда оқшомхонлар оқ доналарни суришяпти.

● Навбатдаги юриш қандай бўлиши керак!

● Ўтган пайшанба куни, яъни 27 декабрда «Вечерняя Алма-Ата» ва «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида йигирма учинчи юриш — Фf3e2 эълон қилинган эди. Улар бу юришга d6—d5 билан жавоб беришди.

Ҳурматли шахмат мухлислари! Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги 24 юриш қандай бўлиши керак? Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.



Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ЯНГИ РЕКОРДЛАР БЎЛАДИ

Ўтган йил каби 1985 йил ҳам ўзига хос спорт воқеаларига бой бўлади. Республикамиз ўзининг шонли 60 йиллигини нишонлаган 1984 йилни факт ва рақамларда кўришга ҳаракат қилайлик.

1984 йилда 580 мингдан зиёд тошкентлик физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланди. 17 стадион, 48 сузиш ҳавзаси, 1783 баскетбол, волейбол, гандбол майдончалари ва теннис кортлари, 270 соғломлаштириш шаҳарчалари уларга хизмат кўрсатди. Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан кўплаб саломатлиқ шаҳарчалари бунёд этилди. Шу кунларда ҳам пойтахтимизда ўнлаб спорт иншоотлари қурилиши давом этмоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, пойтахтимизда база етарли. Улардан ўринли ва тўғри фойдаланилаётганлиги ҳам қувончлидир. Стадионлар, югуриш йўлкалари ҳамиша спортчилар ва томошабинлар билан гавжум. Ўтган йили «Бутун бригада билан стадионга» шиори остида ўтказилган мусобақаларда 1200 дан зиёд ишлаб чиқариш коллективи иштирок этди. Шаҳардаги барча районларда анъанавий спартакиадалар билан бирга машҳур кишиларнинг хотира совринлари учун мусобақалар ўтказилди. Сергели районида ишлаб чиқариш илғорлари мусобақаси, Фрунзе районида микрорайонлар спартакиадаси, Собир Раҳимов районида авлодлар эстафетаси мусобақалари ўтказилди. ЖЭК, болалар боғчаларида ҳам анъанавий спартакиадалар бўлиб ўтди. Улар ёшлар билан бирга кексаларни ҳам жисмоний тарбия оммавий жалб қилишга шароит яратди.

Ўтган йили ҳамшаҳаларимиз Бутуниттифоқ ва Халқаро мусобақаларда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритиб мухлисларни хушнуд этдилар. Жумладан, «Дўстлик—84» халқаро турнирида Комил Фатқуллин, Ирина Баракса-нова, Лариса Белаконь Сергей Заболотнов, Эркин Шагаев, Наталья Лисовская олтин медаль билан тақдирландилар. Бу турнирда тошкентликлар ҳаммаси бўлиб 13 медаль билан тақдирланишди.

Шаҳримизда иккинчи марта Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадаси ўтказилди. Беллашувларда 255 ёш тошкентлик қатнашди. Улар спартакиаданинг 71 медалини қўлга киритдилар.

Ўзбекистон пойтахти мамлакатимиздаги спорти ривожланган шаҳарлардан бирига айланиб бораётганлиги диққатга молик. Бунга шаҳар партия комитети кўрсатаётган ғамхўрлик катта ёрдам бермоқда. Кўзда тутилган асосий оммавий физкультура ишларини юқори поғонага кўтаришдан иборат.

Спортни оммалаштиришда ўз ишларининг билимдони бўлган жамоатчиларнинг, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг хизматлари салмоқлидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда жисмоний тарбия ўқитувчилари Ю. Милеев, В. Қосимов, Т. Ҳайдаров, В. Филиппов, М. Баканов, В. Алишченко, В. Соловьев, М. Нарзибеков, Д. Искандаров, Л. Саакова, ТашГРЭС физкультура коллективининг инструктори Э. Дивенко, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физкультура коллективининг инструктори Я. Рибальскийнинг фаолияти самарали бўлмоқда.

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларда физкультурани кундалик турмушга жорий қилишга катта аҳамият бериляпти. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ишчи ва хизматчиларнинг актив ҳордиқ чиқариш манбаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бу йил ҳам спортда, физкультурани оммалаштиришда катта ўзгаришлар бўлишига ишончимиз комил.

● ЭНГ ЯХШИ МУОЛАЖА

ҲАРАКАТ— УМР МАНБАИ

Қадим замонларда донолар ҳаракатини музика билан уйғунлаштирадиган одамлар бахтли бўладилар, деб башорат қилишган. Ҳаракат ва музика уйғунлигига асосан ритмик гимнастика билан мунтазам шуғулланиш орқали эришиш мумкин.

«Юбилей» Марказий спорт залида иккита аэробика тўгараги ишлаб турибди. Тажрибали тренер ва инструкторлар эрталаб ва кечки пайт машғулот ўтказишга раҳбарлик қилишяпти. Группалардаги спорт ишқибозларининг сафи кундан-кунга ортиб боряпти. Бунинг сабаби шундаки, музика оҳангига мос равишда жисмоний машқларни бажариш ҳоҳишлиқини бартараф этиш билан бирга, кишининг саломатлигини мустаҳкамлайди, унга қувонч бахш этади.

Штатсиз фотомухбиримиз олган суратда «Юбилей» марказий спорт залидаги ритмик гимнастика машғулоти пайти тасвирланган.

А. ЖУМАЕВ фотоси.



СПОРТ КУНДАЛИГИ

«Ёшлик» спорт аренасида ёшлар ўйинлари программаси доирасида акробатика бўйича Тошкент биринчилиги мусобақалари якунланди. Бу ўзига хос чаққонлик, гўзаллик ва нафосат кўригида 50 дан зиёд спортчи иштирок этди.

Ўқувчиларнинг XVII Бутуниттифоқ спартакиадасида иштирок этган 165-мактаб ўқувчилари Гуля Мирфазиева ва Нелла Ёқубова бу сафар ҳам юксак маҳорат кўрсатиб, шаҳар чемпиони унвонини қўлга киритишди. Улар бажарган машқлар мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. Аралаш жуфтликлар баҳсида спорт мастерлигига кандидатлар Радик Шаризданов ва Олеся Кладова биринчи ўринни эгаллади. Бу мусобақалар шу йил Украина пойтахти Киевда биринчи марта ўтказиладиган Бутуниттифоқ ёшлар ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтади.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
БИРИНЧИ МАРТА
«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
10 ЯНВАРГАЧА КУНЛАРИ СОАТ 12.00 ВА 16.00 ДА
АРЧА АТРОФИДА
ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Янги йил томошаларида М. Горький номли театр артистлари, «Саҳнада цирк» коллективлари, чиройли қилиб безатилган уч отли арава, сувенирлар ва совғалар билан савдо қиладиган ярмарка қатнашади.

Меҳмонларни Қорбобо ва Қорқиз севимли эртакларнинг қаҳрамонлари билан бирга кутиб олади.

Билетлар «ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида сотилмоқда.

41-30-23 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

1985 ЙИЛ 8 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАРНИНГ МАШҲУР ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА
«ҚОРБОБОНИНГ СОВҒАЛАРИ»
ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАК ЦИРК ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.
ТОМОШАЛАР ҚУЙИДАГИ СОАТЛАРДА БОШЛАНАДИ:
2, 3, 4, 5, 6, 8 январь — 11.00, 13.00, 15.00 да.
БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИНИНГ КАССАЛАРИДА ВА ВАКИЛ КАССИРЛАРДА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ҲАР КУНИ СОТИЛАДИ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЎРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
Администратор: 46-07-53, 46-68-77,
Касса: 46-03-12, 46-70-31.

ҲАР ҚАНДАЙ СОВУҚ ПИСАНД ЭМАС

Агарда сиз енгил, иссиқ ва сунъий мўйнали пўстин кийиб юрсангиз, ҳар қандай совуқ кунлар ҳам писанд эмас. Унинг чарм билан хошияланган безаклари либосни янада кўркам ва башанг қилган.

Драпдан тикилган пальтода ҳам киши ўзини иссиқ ва қовушимли ҳис этади.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА

ёқаси асл мўйналардан сирилган қирмизи, жигарранг, оч сариқ, ва қора тусли пальтолар сотувга қўйилган. Бу пальтоларнинг ёқаси норка, нутрия, қора тулки мўйнаси билан сирилган.

Пўстинлар баҳоси 250 дан 350 сўмгача, пальтолар эса 120 дан 260 сўмгача.

ТРИКОТАЖДАН ТИКИЛГАН КУЙЛАКЛАР ҲАМ САЛҚИН КУНЛАРДА БЕБАҲОДИР.

Хотин-қизлар учун аталган трикотаж кўйлаклар тўғри бичиқли бўлиб, ёқасига шол матоси тутилган.

Бундан ташқари Фрунзе савдо марказининг секцияларида эркакларнинг занжирли жемперлари, қора, яшил, зангори тусдаги спорт костюмларини сотиб олишингиз мумкин.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ГОСКОМТРУД УзССР
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИ КОРХОНАЛАРИГА
инженер-технологлар, инженер-конструкторлар, автослесарлар, юк ортувчилар (ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар);
ТОШКЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОЙАФЗАЛ БИРЛАШМАСИГА
бичувчилар, саржинчилар, тайёрловчилар, пойафзални қолипга тортувчилар, елимловчилар, пойафзал фрезерчилари, пардоз берувчилар, маҳкамловчилар, суртувчиларни;
«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
омборчилар, пресловчилар, қўшиб ўрувчилар, зирҳ қопловчилар (ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар);
ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА
бухгалтерлар, машинистка лар, кран машинистлари, қолипловчилар, йиғувчи-слесарлар, юк ортувчилар, токарлар, зироатчилар, фрезерчилар, пармаловчилар (ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар);
ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИГА
токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, силлиқловчилар, штамповкачилар, контролёрлар, йиғувчи-слесарлар, ремонтчи-слесарлар, электромонтёрлар (ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар);
ЛЕНИН РАЙОНИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА
эркаклар ва аёллар устки кийимларини бичувчилар, аёллар енгил кўйлакларини бичувчилар, машинада тикувчилар, уйда машинада тикувчилар, уйда тикувчилар, уйда гул солувчилар.
МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ИЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:
Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона;
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
А. Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй;
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй;
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
182 (38)-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: дурадгор, қурилиш бўёқчиси, электр пайвандловчи, олти ой муддат ўқитиш билан автомобиль ремонти бўйича слесарь.

17 ДАН 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10 синфни битириб ўқишга қабул қилинганлар ойига ўттиз сўм миқдорида стипендия оладилар, Совет Армияси safларидан запасга бўшатилганларга ойига 60 сўмдан стипендия берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ вақтида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртини битирганлар билим юртини тугатганликлари тўғрисида диплом оладилар. Бу диплом мамлакатнинг исталган олий ўқув юрти ва махсус ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА КЎРА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тошширадилар: директор номига ариза, гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида (ёки паспорт), маълумоти тўғрисида; справкалар: турар жойидан, медицина (286 формали); олтита фотосурат (3x4 см).

Билим юрти адреси: 7000141, Тошкент шаҳри, Багратион кўчаси, 4-уй (17-автобус, 6, 13, 22-трамвайларнинг «12-уй-жой шаҳарчаси» бекати). Телефон 64-18-41.

КИНО

2 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХОНАНДА КЕРАК» — **Санъат саройи** (катта зал).

«ИТАЛИЯЛИКЛАРНИ Н Г РОССИЯДАГИ ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (17.00, 20.00). Телефон 44-21-34, **Восток** (жуфт соатларда). Телефон 91-14-61; **Нукус** (тоқ соатларда). Телефон 46-47-74); **Чайка** (тоқ соатларда). Телефон 77-06-20.

«ИККИ ЕҚЛАМА ҚУВИШ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда). Телефон 58-36-06; **Дружба** 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00). Телефон 66-15-75; **Москва** (тоқ соатларда ва 20.40 да). Телефон 33-05-01; **ВЛКСМ 30 йиллиги** (тоқ соатларда). Телефон 33-41-83; **Қозоғистон** (тоқ соатларда). Телефон 35-19-92.

«МАРШАЛ ЖУКОВ» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда). Телефон 42-39-74; **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда). Телефон 53-65-87.

«МИС ФАРИШТА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда). Телефон 96-34-02.

«ШАФҚАТСИЗ РОМАНС» — **Искра** (17.00, 20.00). Телефон 39-14-59.

«УРСА ҚОЧ...» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда); **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда). Телефон 48-46-71.

«МАЛИНОВКАДАГИ ТЎЙ» — **Ғ. Ғулом номли** (17.00, 20.00). Телефон 48-42-80.

«ШУНДАЙ ЕЛҒОНЧИ» — **Санъат саройи** (кичик зал 17.00, 19.30).

3 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХОНАНДА КЕРАК» — **Санъат саройи** (катта зал).

«ИТАЛИЯЛИКЛАРНИ Н Г РОССИЯДАГИ ҒАРОЙИБ САРГУЗАШТЛАРИ — **Санъат саройи** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Телефон 44-21-34; **Нукус** (тоқ соатларда). Телефон 46-47-74; **Қозоғистон** (жуфт соатларда). Телефон 35-19-92; **Чайка** (жуфт соатларда). Телефон 77-06-20.

«ИККИ ЕҚЛАМА ҚУВИШ» — **Дружба** (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00). Телефон 66-15-75; **Москва** (тоқ соатларда ва 20.40 да). Телефон 33-05-01; **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда). Телефон 42-39-74; **Қозоғистон** (тоқ соатларда). Телефон 35-19-92.

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **Тинчлик** (тоқ соатларда). Телефон 58-36-06; **К. Ерматов номли** (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00). Телефон 24-22-66.

«КУМУШ ОРЗУ ПОЙГАЧИСИ» — **Восток** (жуфт соатларда). Телефон 91-14-61.

«МАРШАЛ ЖУКОВ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда). Телефон 53-65-87.

«МИС ФАРИШТА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда). Телефон 96-34-02.

«ШАФҚАТСИЗ РОМАНС» — **Искра** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). Телефон 39-14-59.

«УРСА ҚОЧ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда). Телефон 33-41-83; **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда). Телефон 48-46-71.

«ГИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **Санъат саройи** (кичик зал соат 12.00, 14.30, 17.00, 19.30).

ТАКОМИЛЛАШГАН ШАМПУНЛАР

«Глория» ва «Вербена» — бу орасталик воситалари сочни ювиш ва ванна қабул қилиш учун мўлжалланган. Бу воситалар енгил ва хушбўй кўпиради.

Сизнинг сочингиз бундай восита билан ювилганда майин ва сержило, терингиз эса майин бўлади.

ВНИИХИМПРОЕКТ
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

ЧОРШАНБА

2 ЯНВАРЬ

● МТ I

17.40 «Қувноқ стартлар».
18.25 В. Боснер М. Матусовскийнинг «Номсиз тепаликда» шеърига ёзган қўшиғи». «Қўшиқ инсон билан қолади» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм премьераси.
19.45 Сайловлар олдидан.
20.00 «Чақирилмаган дўст». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Сменадан сўнг. «Электрошчит» заводида кеча.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Дарсдан сўнг». Тележурнал.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Ёшлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финляндия —СССР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади. 3-давр.
21.30 «Время».
22.05 «Катта оила». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Янги йил хороводи».
19.00 «Китоб —билимлар манбаи».
19.30 «Ахборот (рус.).
19.45 «Қутлуғ қадам». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Шекспир асари асосида балет триптихи». СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. Қориева иштирокида.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Волгада шундай қоя бор». Фильм-концерт.
18.40 «ШНО». Бадиий телефильм.
18.55 «Карпат рапсодияси». Манзарали фильм.
19.10 «Рақсга таклиф». Фильм концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Сени излаб» Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА

3 ЯНВАРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Мўъжизасиз — мўъжизалар».
10.55 «Қиш фантазияси». Болалар бадиий коллективларининг концерти.
11.25 «Чақирилмаган дўст». Бадиий фильм.
12.50 Мультфильм.
13.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Белоруссия ҳақида телефильмлар.
16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 «Тўрт ошнининг ҳаёти ва саргузаштлари». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2- ва 3-сериялар.
18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Миллионлар ленинча университети».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Русская зима» санъат фестивалининг концерти.
20.25 «Свеаборг». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. Мосфильм» киностудияси ҳамда «Юлейс-радио» (Финляндия) маҳсулоти.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Нуқтаи назар» (Ўзбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси), «Нобудгарчилик... Ундан қандай қилиб қутилиш мумкин».
9.50 «Клава Иванова ҳақида». Телевизион бадиий фильм.
11.10 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.40 Бирма миллий рақс ансамбли ижро этади.
12.10 «Денис Васильевич Давидов».
13.15 «Сиз яратган боғ».
13.45 — 14.25 Мультфильм.
14.55 «Рисоладаги эр». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Архитектура ва театр».
19.30 Мультфильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.05 «Петербург туни». Бадиий фильм.
23.55 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Зоркий» — «Динамо» (Олмаота). 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мультфильм.
10.30 «Қорбобони кутамиз».
11.05 «Финист — сарлочин». Бадиий фильм.
12.20 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ералаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
19.05 «Зангори экран» почтаси».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Тақдир». Телефильм.
20.00 КПСС МК октябрь (1984й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга! «Ер — бойлигимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сахронинг оппоқ қуёши». Бадиий фильм (рус.).
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Тезликни забт этиш», «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильмлар.
19.00 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Орадан қанча йиллар ўтиб кетди». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 МТ II

Тошкент Давлат медицина институти томонидан Асранбоева Жимёхон номига берилган Г—II 314847 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—10654. Индекс 64690. Б-2015. А—2013. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.